

Битимларнинг ҳақиқий эмаслигини тартибга солувчи нормаларда баён этилган асослар бўйича шартномаларнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига йўл қўйилиши мумкин. Шартномани бекор қилиш эса тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномани ёки унинг оқибатида вужудга келган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини келгусида бекор қилишга қаратилган ҳаракатдир.

Ф.Шерниёзова акаси Шерниёзовга нисбатан боғча биносини ҳады шартномасини бекор қилиш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра Ф.Шерниёзова билан Шерниёзов ўртасида тузилиб, нотариал расмийлаштирилган умумий ер майдони 7342,05 кв.м.ни ташкил қилган боғча биносини ҳады қилиш ҳақидаги шартнома ҳақиқий эмас, деб топилиб, бекор қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 21 декабрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори хулоса қисмидан “ва бекор қилинсин” деган сўзлар чиқарилиши белгиланиб, ҳал қилув қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 20 июндаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилган.

Олий суди Пленумининг “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарори 6-

бандида битимларга оид низоларни кўришда шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш ва шартномани бекор қилиш тушунчаларини бири-биридан фарқлаш лозимлиги, Фуқаролик кодексининг 113-126-моддаларида кўзда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслигини тартибга солувчи нормаларда баён этилган асослар бўйича шартномаларнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига йўл қўйилиши мукинлиги, шартномани бекор қилиш эса тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномани ёки унинг оқибатида вужудга келган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини келгусида бекор қилишга қаратилган ҳаракат эканлиги тушунтирилган.

Даъво ва қўшимча даъво аризаларида Ф.Шерниёзова ҳада шартномасини бекор қилишни сўраган. Лекин даъво асослари битимни ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўладиган важлар эканлигидан келиб чиқиб, суд даъво талабини ойдинлаштирмасдан, бу борада даъвогарга даъво талабини ўзгартириш бўйича ҳуқуқларини тушунтирмасдан, даъво талабидан четга чиққан ҳолда битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди йўл қўйган камчиликларни бартараф қилмасдан, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмидан “ва бекор қилинсин” сўзларини чиқаришни белгилаш билан кифояланган .

ФСХ-181-11-сонли ажрим